



ВАТАНПАРВАР



УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИНИНГ МАХСУС СОНИ

● 1997 йил, 8 май, ПАЙШАНБА № 55 (851).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
● Сотувда эркин нархда.

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК ЦЕНТРАЛЬНОГО
ПЕЧАТНОГО ОРГАНА МИНИСТЕРСТВА
ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● ЧЕТВЕРГ, 8 мая 1997 г. № 55 (851).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
● В розницу — цена свободная.

Ташкент
Алматы
Москва
(ОРТ: Росс.
ТВ: ТВ-6)

«ДАВЛАТ, ЖАМИЯТ, ОИЛА ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МУАММОЛАРИ» МАВЗУИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Мухтарам дўстлар!
Замон бизнинг зимма-ми-
га янги, демократик жамия-
т қуриш билан бирга му-
стабид тузум қолдирган оғир
асоратлардан халос бўлган,
юксак маърифатли, улкан
салоҳиятли авлодни тарбия-
лашдек муқаддас вазифани
юклатди.
Бугунги анжуманда фар-
зандларимиз тарбияси ва
таълими, бинобарин, миллат
ва Ватан келажиги, тандири
хусусида сўз боради.
Баркамол инсонни вояга
етказиш учун энг аввало
онла, маҳалла, мактаб, бут-
кул жамият ва давлатнинг
узвий ҳамкорлигини юқори
поғонага кўтариш лозим.
Оила — жамият асоси, ма-
ҳалла — миллий қадрият-
лар бешиги. Аҳил хонадон-
да, маърифатли маҳаллада,
инсонпарвар жамиятда зук-
ко йиғитлар, оқила қизлар,
умр бўйи элим деб, юртим
деб ёниб яшайдиган қомил
фарзандлар улғаяди.
Халқимиз фарзандлари
ниҳоятда истеъдодли, ақлу
заковат бобида ҳеч кимдан
қолшмайди. Уларнинг то-
мирида инсоният тафак-
кури қомолга улкан ҳисса
қўшган Имом Бухорий, Абу

Райхон Беруний, Абу Али
ибн Сино, Улугбек Мирзо,
Алишер Навоий, Бобур Мир-
зо каби буюк боболаримиз-
нинг қони жўш урмоқда.
Уларнинг иқтидорини қад-
рлаш, имкониятларини тў-
лиқ юзага чиқариш, Ватан-
нинг мард ва фидойи фар-
зандлари этиб тарбиялаш
учун шарт-шароит яратиб
бериш, эзгу ва улуг маъ-
садларга йўналтириш ҳар
биримизнинг шарафли бур-
чимиздир.
Қадрли анжуман қатнаш-
чилари!
Сизларга ва сизлар орқа-
ли барча ватандошлари-
мизга мурожаат қилиб айт-
моқчиманки, давлат, жамият
ва ота-онанинг бурчи фар-
зандларни соғлом ўстириш,
вояга етказиш, умумий би-
лим бериш билангина че-
кланмайди. Уларга энг зам-
онавий касб-хунар ўргатиш
ва энг муҳими, уларнинг ҳа-
ёт синовларига мардона бар-
дош бериб, турмуш гирдоб-
ларини шижоат билан ен-
гиб ўтиб, келажакда ўла-
рига муносиб ўрни топиш-
лари учун имконият яратмо-
ғимиз даркор. Мана шу ўта
мураккаб ва долзарб масала
бугунги ва эртанги ҳаёти-

мизнинг ҳал қилувчи ме-
зонидир.
Бозор муносабатларига
ўтиш даврининг барча қий-
инчиликларини рўй-рост кў-
риб турибмиз. Биз учун ин-
сонларни бир-бирдан аж-
ратадиган, ижтимоий тафо-
вутларни кучайтирадиган
бозор муносабатлари эмас,
аксинча, меҳру оқибатга рағ-
бат берувчи маърифатли
бозор муносабатлари маъ-
булдир. Шахс маънавияти,
жамият маънавияти масала-
ларини энг долзарб иқти-
содий муаммолар билан ба-
робар ва балки улардан ҳам
устун қўяётганимизнинг
боиси ҳам шунда, Узбекис-
тон таплаган йўлнинг ўзи-
га хос ва ўзига мос жиҳат-
ларидан бири ҳам худди
шунда мужассамдир.
Ишончим қомилки, анжу-
ман бугун замон ўртага та-
шлайдиган муаммоларга ама-
лий жавоб беради. Ёш авлод
тарбиясига дахадор ташки-
лотлар фаолиятига янги маз-
мун, куч ва ғайрат бағиш-
лайди.
Анжуманингиз ишига
муваффақият тилайман.
Узбекистон Республикаси
Президенти
Ислом КАРИМОВ.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕН- ДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТУҒРИСИДА

Республика ҳақлисини
ижтимоий муҳофаза қи-
лишни таъминлаш мақса-
дида:
1. 1997 йил 1 июлдан
бошлаб Узбекистон Рес-
публикасининг ҳудудида:
иш ҳақининг энг оз
миқдори — ойига 750 сўм;
ёшга доир пенсиянинг энг
оз миқдори — ойига 1400
сўм;
фуқароларнинг солиққа
тортилмайдиган даромади
энг оз миқдори — ойига
750 сўм;
ягона тариф сеткаси бў-
йича бошланғич (нулинчи)
разряднинг энг оз миқдори
— ойига 750 сўм миқдорда
belгилансин.
2. 1997 йилнинг 1 июли-
дан бюджет муассасалари
ва ташкилотлари ходимла-
рининг иш ҳақи, барча тур-
даги пенсиялар, олий ўқув
юртлари талабалари, ўрта
махсус ва хунар-техника
билим юртлари ўқувчилари
стипендияларининг миқдор-
лари ўрта ҳисобда 1,5 ба-
равар оширилсин.
3. 1997 йил 1 июлдан
қўйидагилар белгилаб қўй-
илсин:

— болалигидан ногирон-
лар учун нафақалар миқ-
дори ойига 1400 сўм;
— зарур иш стажига эга
бўлмаган кекса ва меҳнат-
га қобилиятсиз фуқаролар
учун нафақалар миқдори
ойига 850 сўм.
4. Иш ҳақига устама ва
қўшимча ҳақларнинг барча
турлари, шунингдек, пен-
сиялар, боласи йкки ёшга
тўлгунга қадар уни парва-
риш қилувчи оналарга,
болали онлаларга нафақа-
лар ҳамда энг оз иш ҳақи-
га нисбатан белгиланган
бошқа тўловлар ушбу Фар-
монда кўрсатилган энг оз
иш ҳақи миқдори асосида
1997 йил 1 июлдан бош-
лаб амалга оширилади.
5. Узбекистон Респуб-
ликаси Ижтимоий таъминот
вазирлиги, Меҳнат вазир-
лиги, бюджетдан пул билан
таъминланадиган вазирлик-
лар, идоралар, Қорақалпо-
ғистон Республикаси Ва-
зирлар Кенгаши, вилоятлар
ва Тошкент шаҳар ҳоким-
ликлари, ташкилотлар ва
муассасалар мазкур Фар-
мон қондаларига асосла-
ниб, пенсиялар, нафақалар,
стипендияларнинг ҳамда

бюджет муассасалари ва
ташкилотлари ходимлари
мансаб маошларининг миқ-
дорлари ўз вақтида қайта
ҳисоблаб чиқишлини таъ-
минласинлар.
6. Бюджет муассасалари
ва ташкилотлари ходимлари-
нинг иш ҳақини, пенсиялар,
нафақалар ва стипендиялар
миқдорини ошириш билан
боғлиқ ҳаражатлар рес-
публика давлат бюджети ва
пенсия фонди ҳисобидан
қоплансин.
7. Хўжалик ҳисобидаги
корхоналар ва ташкилот-
лар иш ҳақини ишлаб чи-
қариш самарадорлигини
ошириш ва меҳнат ҳара-
жатларини пасайтириш ҳи-
собидан меҳнат ҳақи фон-
ди доирасида ошириллар
ва бунда мазкур Фармон
билан белгиланган энг оз
иш ҳақи кўпайтирилишини
таъминласинлар.
8. Узбекистон Респуб-
ликаси Президентининг 1996
йил 24 июлдаги 1499-сон
Фармони (9-банди бундан
мустасно) 1997 йил 1 июл-
дан бошлаб ўз кучини йў-
қотган, деб ҳисоблансин.
9. Узбекистон Респуб-
ликаси Вазирлар Маҳкамаси
ўн кун муддатда ушбу
Фармонни амалга ошириш
юзасидан қарор қабул қил-
син.
Узбекистон
Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1997 йил 6 май.

УКАЗ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН О НАЗНАЧЕНИИ Ф. Г. ТЕШАБАЕВА ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ И ПОЛНОМОЧНЫМ ПОСЛОМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В СОЕДИНЕННОМ КОРОЛЕВСТВЕ ВЕЛИКОБРИТАНИИ И СЕВЕРНОЙ ИРЛАНДИИ

Назначить Фотиха Гулямовича Теша-
баева Чрезвычайным и Полномочным Пос-
лом Республики Узбекистан в Соединен-
ном Королевстве Великобритании и Се-
верной Ирландии.
Президент Республики Узбекистан И. КАРИМОВ,
гор. Ташкент, 7 мая 1997 года.

Президент уруш фахрийларини қабул қилди

7 май куни Президент Ис-
лом Каримов Иккинчи жа-
ҳон уруши фахрийларидан
бир гуруҳини қабул қилди.
Давлатимиз раҳбари улар
сиймосида мамлакатимиз-
нинг шаҳар ва қишлоқлари-
да истиқомат қилаётган уруш
қатнашчиларини, фронт ор-
тида фидокорона меҳнат
қилган кишиларни, барча
Ўзбекистон халқини талаба
байрами билан қутлади.
Биз талаба куни арафаси-
да уруш қурбонларини, жи-
наргушаларини фронтда
юборган ота-оналарни, уруш
туғайли етим-есир бўлиб
қолганларини, фронт ортида
меҳнат қилиб, талабани
яқинлаштиришга ҳисса қўш-
ганларни чуқур эҳтиром бил-
ан эслаймиз, деди Прези-
дент. Сизлар ана шу авлод-
нинг вакиллари сифатида
жаҳонни фашизм вабосидан
қутқариш учун кўксингизни
қалқон қилиб курашгансиз.
Буни келгуси авлодлар, тар-
их ҳеч қачон унутмайди.
Юртбошимиз бугунги кун-
да мамлакатимизда амалга
оширилаётган ислохотлар,
халқимизга фаровон тур-
муш яратиб бериш борасида
қилинаётган саъй-ҳаракатлар
ҳақида сўзлар экан, бу иш-
ларга фахрийлар улкан ҳис-
са қўшиши мумкинлиги ҳа-
қида тўхталди. Хусусан,
мамлакатимизда амалга оши-
рилаётган соғлом авлод
учун дастури ёшларимизни
ҳам жисмонан, ҳам маънан
баркамол кишилар қилиб
тарбиялашни кўзда тутди.
Чунки маънавий ва моддий
бойлик уйғунлашган жамия-
тгина фаровон бўлади. Шу

маънода, ёшларни ҳаётга
тайёрлаш борасида фахрий-
ларимиз катта ишларни қи-
лиши мумкин.
Қарияларни эъзозлаш,
уларнинг оғирини енгил
қилиш давлатимизнинг му-
ҳим вазифасидир, дея таъ-
кидлади Президент. Ўз нав-
батада фахрийларимиз ҳам
юртимиздаги тинчлик ва
осойишталикни сақлаш,
жойларда соғлом муҳит бар-
қарор бўлишини таъмин-
лашда ёрдам беришлари за-
рур. Бунда уларнинг ҳаё-
тий тажрибалари қўл кела-
ди. Ёшлар ва омма онгига
мустақиллик гоёларини, у-
берган неъматлар моҳияти-
ни сингдириш, ислом дини
ва Шарқ фалсафасини
тўғри тушунириш, юрт-
дошларимизда ҳаё, ор-номус
туйғуларини тарбиялашни
ҳам ҳурматли қариялари-
миз ўзларининг муқаддас
бурчлари деб биладилар.
Учрашувда сўзга чиққан
уруш фахрийлари ўзларига
қўрсатилаётган эътибор ва
ғамхўрлик учун чуқур мин-
натдорлик билдирдилар.
Мустақилликни мустаҳкам-
лаш, ҳар томонлама қомрон
авлодни тарбиялаш, халқ-
мизнинг бундан-да ёруғ
қулларга етишуви йўлида
сидқидилдан меҳнат қила-
жакларини изҳор эдилар.
Фахрийларга эсдалик сов-
галари топширилди.
Учрашувда республика
Президентининг Давлат
маслаҳатчиси Темур Али-
мов, Президентнинг матбу-
от котиби Мурод Муҳаммад
Дўст қатнашди.
(ЎЗА).



Катта лейтенант Р. Бо-
тиров етакчилик қилаётган
разведкачилар бўлинимаси
айни кунларда ҳам жанго-
вар тайёргарликларини мус-
таҳкамлашга жиддий эъти-
бор қаратишмоқда. Коман-
дирнинг посбон она
юрт сарҳадларида доим сер-
гак, ҳушёр туриши керак-
лиги ҳақидаги уқтиришла-

рини аҳил жамоа аскар-
лари тезда англаб олишади.
Суратда: разведкачилар
бўлинимаси командири кат-
та лейтенант Р. Ботиров
жанговар машина бошқару-
ви бўйича инструктор кат-
та лейтенант Т. Мирбобоев
билан навбатдаги режа ху-
сусида гаплашмоқда.
А. ЭШБОЕВ олган сурат.

● УЛАРДАН УРНАК ОЛИШАДИ

Қалбларда Ватан ишқи

Илгор ҳарбий жамоа командири офицер Алишер Акрамовнинг тавсиясига биноан синов машғулотларида юқори кўрсаткичларни эгаллаган бўлинима томон йўл олдиқ. Бизга командирнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича уриносари катта лейтенант Шухрат Юсупов ҳамроҳ бўлди. Йўл-йўлакай у қишқи мавсум мобайнида олиб борилган ишлар, уларнинг натижалари, ютуқ ва айрим камчиликлар хусусида сўзлай кетди. Охири суҳбатимиз биз танишмоқчи бўлган жамоа ва унинг сардори катта лейтенант Ботир Багировга бориб тақалди.

— Ботир 1992 йилда зенит-ракетачилар олий ҳарбий билим юртини тамомлаган, жамоамиз сафига келиб қўшилди. — Дея ҳикоя қила бошлади Шухрат Юсупов. — У табиатан камтарин, меҳрибон бўлганлиги боис сафимиздаги ҳамма офицер ва прапорщиклар билан тез орада тил топишга эришди. Зуваласи пишиқ бу йигитнинг билим юртида ҳам маънан, ҳам жисмонан чиниққанлиги юриштиришию, бажараётган

юмушларида кўзга ташланиб турарди. Зеро у шахсий таркиб билан режага мувофиқ шугулланар, назарий ва амалий машғулотларни юксак савияда ўтарди. Қўл остидаги сержант ҳамда оддий аскарлар эса ёш командирларига ўзгача фахр ва ҳавас-ла боқардилар.

Дастлабки ютуқларидан беҳад қувониб юрган кунларнинг бирида бир жангчининг бўлинимаи ўзбошимчилик билан тарк этиб, унга қочиб кетганини эшитганида Ботирнинг ич-ичидан

куйиниб, роса ҳафа бўлгани ҳали-ҳамон кўз ўнгимда. Ушанда унга елкадош дўстлари мададкор бўлишиб, бу нохуш аҳволдан қутулиш йўл-йўриқларини кўрсатишганди.

Лейтенант Ботир Багиров бундай салбий хатти-ҳаракатларга қарши курашга бел боғлади. Аввало жангчилар билан дўстона муносабатда бўлиб, уларнинг ички дунёсини, қарашларини қизиқишларини изчил ўрганиб чиқди. Уларнинг нафақат жанговар ва бошқа тайёргарлиги, балки хизматдан бўш вақтларини тўғри ташкил қилган ҳолда, ҳордиқ чиқариш масалалари устидан жиддий назорат ўрнатди. Аскарларни йигитлик бурчини шараф-ла адо этишга ундади.

Эндиликда Ботир Багиров бошқараётган зенит-ракетачилар бўлинимаси илгор жамоалар қаторида тилга олинмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунончи, моҳир командирнинг шогирдлари ўтган мавсумлардаги сингарии яқинда ўтказилган ба-

ҳорги синов машғулотларида ҳам муносиб қатнашиб, текширувчи комиссия вакилларининг олдишига сазовор бўлдилар.

Бунда катта лейтенантга взвод командири кичик лейтенант Равшан Бўриев ҳамда бўлинима старшинаси мурдатдан ташқари хизмат сержанти Қобул Гийсовлар катта ёрдам бердилар. Қолаверса, бўлинимада жангчилар учун ҳамма нарса муҳайё этилган. Телевизор, радио, миллий қолғу асбоблари ва кутубхона уларнинг ихтиёрида. Кино ва видеофильмлар намоиши ҳам йўлга қўйилган. Бу каби эътибор жанговар тайёргарлик бобида ижобий самара бераётди.

Биз бўлинимага келганимизда катта лейтенант Багиров ёзги ўқув мавсумига тайёргарлик бўйича режа тузаётган экан. Ишига ҳалал бермаслик учун суҳбатимизни қисқа қилдик. Ҳарбий либос эгнига қўйиб қўйилгандек ярашган командир бўлинима олдига турган вазибаларни қойилмақом уд-

далаётган шахсий таркиб ҳақида фахр билан сўзлади. У взвод командирининг ўринбосари сержант Алишер Эгамқулов, оператор оддий аскар Уктам Турдиев, оператор оддий аскар Баҳодир Бейлипесов, механик-ҳайдовчи оддий аскар Зоир Қўрғонбоев каби аълочи жангчилардан миннатдор эканлигини айтди. Ватан ҳимояси йўлида зафар чуққиларини қучишида устози, тажрибали мутахассис офицер Маҳмуд Саримсоқовнинг хизматлари бекиёслигини алоҳида таъкидлади.

Бўлинимадан қайтар эканмиз, қалбимни ўзгача фахр ва ғурур туйғуси чулғади. Ахир маҳоратли офицер Ботир Багировдек билагида кучи, юрагида Ватанга меҳру муҳаббати тўлиб-тошган юртдошларимиз бор экан, порлоқ келажак сари илдамлаётган мустақил мамлакатимиз осмони бегубор бўлиши муқаррар.

Катта лейтенант Ш. ҲОШИМОВ,
«Ватанпарвар» муҳбири.

● СЕГОДНЯ КУРСАНТ — ЗАВТРА ОФИЦЕР

ПАМЯТНЫЙ ВЫЛЕТ

— К своему первому вылету я готовился очень тщательно, — с удовольствием вспоминает не столь отдаленное событие курсант С. Соитов. — Ведь профессия военного летчика не из легких. Прежде чем курсанта допустят в самолет, он должен научиться хорошо разбираться в таких науках, как физика, математика, метеорология и многих других.

Первый вылет навсегда останется в памяти, как настоящий праздник, хоть в его ходе и было несколько ошибок и даже получен ряд замечаний. Сама необычность обстановки настраивала на романтический лад. Ревет двигатели, вздрагивает самолет, скачут многочисленные стрелки приборов, мигают лампочки, а где-то далеко внизу земля в серой дымке. Но чувствовал себя, несмотря на волнение, уверенно. Во многом благодаря тому, что рядом был наш инструктор капитан И. Ходжамкулов, который всегда готов подсказать, если обучаемый замешкается, как лучше управлять машиной в воздухе.

Потом было много учебных полетов. Притупилось чувство новизны, зато появились уверенность в себе, знание профессиональных тонкостей.

ГЛАВНЫЙ НАСТАВНИК — ИНСТРУКТОР

— Началась долгожданная летная практика, — делится своими мыслями курсант М. Карабеков. — Мы, курсанты-выпускники, вот уже четвертый год стремим-

ся получить как можно больше практических навыков и умения. А прививают нам их наши инструкторы. Такие как капитан С. Купчинский, обучающий такому сложному предмету, как воздушная навигация — основному в профессии штурмана.

В ходе войсковой стажировки с нами проводят занятия многие опытные офицеры. Подполковник Ю. Юсов, капитан Ш. Асроров, старший лейтенант В. Шумилин — все они помогают нам овладеть летным мастерством.

НАСТОЯЩИЙ ЛИДЕР

— Здоровый воинский коллектив, — продолжает тему курсант В. Антонов, — просто необходим для становления будущего офицера. В нашем училище особое внимание уделяют подбору и воспитанию младших командиров, призванных поддерживать высокую дисциплину и здоровую нравственную атмосферу в курсантских подразделениях.

Мне хочется рассказать о заместителе командира нашего взвода сержанте А. Насырове. Это настоящий командир, пример всем курсантам. Он, один из лучших в учебе, первым сдал зачеты на допуск к полетам, первым вылетел в самостоятельный полет на военно-транспортном самолете. Уверен — Алишер будет в числе лучших выпускников этого года, а в дальнейшем — достойным офицером Военно-Воздушных Сил нашей республики.

Записал подполковник В. КАЛОШИН.



Батальон командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, катта лейтенант Х. Йўлдошев доимо побонларнинг маънавий етуклигига эъти-

бор беради. Шу боис ўтаётган ҳар бир машғулотида уларда дунёқарашининг шаклланишини таъмин этади.

А. ЭШБОЕВ олган сурат.

СОҒЛОМЛИККА НИМА ЕТСИН

Мен Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг десантчилар бўлинимасида йигитлик хизмат бурчимни ўтаётганимдан жуда мамнунман. Тўғрироғи, армиянинг фахрли ва шарафли қўшинларидан бирида ўзимни чиниқтириб, Ватан ҳимояси даган номга сазовор бўлаётганимдан ниҳоятда хурсандман.

Мен ҳарбий жанговар вазифага кўра химиявий заҳарланишдан сақлаш катта устасиман. Бу касб сирасорларини ўрганишимда менга ротамиз командири катта лейтенант И. Исмаилов яқиндан ёрдам берди. Эндиликда эса ўзим ҳам бир қанча янги келган ас-

карларга шу касб сирларини ўргатмоқдаман. Ҳадемай ёзги ўқув машғулоти бoшланади. Унда фаол иштирок этиш учун бор маҳорат ва тажрибаларимни ишга солишимга тўғри келади. Чунки, сафдош дўстларимдан кичик сержант Э. Мустафоев, каби кичик командирлардан ортда қолмасликка ҳаракат қилиб келаман. Улар жисмоний бақувватлиги билан ҳам мени ҳаваслантириб келади. Қолаверса, чаққон, эпчил аскарлар олдига уялиб қолмаслик учун ҳам мунтазам спорт машқларини бажариб, ўзимни чиниқтириб бораётиман. Аслида-ку, жисмоний куч-қувватга тўлишиб, соғлом-бақувват бўлиб юрганга нима етсин.

Кичик сержант А. СОЛИЕВ.

РАЗИТЕЛЬНЫЙ КонтРАСТ

На днях в Ташкенте прошел отборочный тур смотр-конкурса песни «Ўзбекистон — Ватаним маним» среди музыкальных коллективов столичного гарнизона.

Выступавших можно было бы разделить на две категории.

К первой относятся вокально-инструментальные ансамбли, тщательно подготовившиеся к конкурсу и исполнявшие песни с профессионально написанными текстами и музыкой.

И выход в финал ансамблей: «Хумо» (солист — лейтенант А. Джалилов), воинов-связистов, которыми командует офицер А. Бердыев, и подчиненных подполковника Р. Пулатова выглядит вполне закономерным.

Другую категорию соискателей объединила акустическая гитара — одинокая и к тому же расстроенная.

Исполнявшиеся на ней произведения едва ли можно отнести к номинации солдатской песни в общепринятом понимании — скорее к солдатской разновидности авторской песни. Так или иначе, контраст между двумя группами исполнителей получился разительный.

Остается лишь пожалеть, что такие талантливые воины, как рядовой К. Тухтаев, вышедший с собственной песней «Онажон» в финальную часть смотра-конкурса, лишены возможности представить свои произведения в достойном музыкальном оформлении.

Капитан Х. ЗАЙНИЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

В. МУРАТХАНОВ,
корр. «Ватанпарвара».

ЕСЛИ РЯДОМ ДРУГ

Рядовой Ильхом Раджабов в начале службы испытывал немалые трудности. Он тяготился строгим распорядком дня, хотя и понимал, что в армии нужны расторопность, собранность, физическая выносливость, знание боевой специальности.

На помощь ему пришли сослуживцы — опытные воины. Они взяли над новичком шефство, окружили заботой, вместе с ним были не только на плановых занятиях, но и занимались дополнительно. Каждый стремился передать ему личные «секреты» вхождения в боевой строй. И дело сдвинулось с места. Сейчас Ильхом имеет специальность воина-связиста и с благодарностью отзывается

о Равшане Шодиеве, Улугбеке Убайдуллаеве и других, оказавших ему помощь, ставших для него настоящими боевыми друзьями.

Понятны внимание и забота о дальнейшем укреплении войскового товарищества, развитии братских отношений между воинами, которые постоянно проявляют командиры и их заместители. Благодаря им достигаются высокие ре-

зультаты, что хорошо высветила контрольная проверка за зимний период обучения. В газете «Ватанпарвар» рассказывалось о многих воинских коллективах, отличившихся в ходе этой проверки, успешно решающих самые сложные задачи. Это относится к частям и подразделениям, где проходят службу офицеры А. Уразалиев, А. Юнусов, М. Расулев и многие другие.

Товарищеская требовательность, коллективный спрос, дружеское слово помогают солдату на деле. Можно много рассказать о том, как передовые воины на просьбу поведать о «секретах» своего воинского становления отвечают:

помог коллектив, помогла солдатская дружба. И это верно.

Именно благодаря товарищеской помощи стали отличными воинами механик-водитель боевой машины рядовой Махмуд Наххаров, артиллеристы рядовые Кахрамон Ташматов, Абдусаттар Сураков.

Дорожить войсковым товариществом, помогать словом и делом — это требование армейской жизни и в то же время правило наших воинов. Верится, что именно так они будут поступать в приходом в части и подразделения нового пополнения.

МУСТАҚИЛЛИК — ИЗЧИЛЛИК ВА ҚАТЪИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ИТАЛИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН КЕЙИНГИ УЙЛАР

Ҳазрат Мир Алишер Навоининг машҳур «Эмас осон бу майдон ичра турмоқ...» деган каломида оламшумул маъно, тўғрироғи, теран ҳаёт ҳақиқати бор. Зотан, инсоннинг бутун умри синов ва имтиҳонлардан иборатдир. Бизнинг умримиз мазмуни ўлчанадиган мезон ана шу ҳаёт поғоналаридан нечоғли шараф билан ўтишимиздир.

Бироз тасаввурга эрк берадиган бўлсак, жамият, давлат ҳаётини ҳам инсоннинг умр йўлига қиёслаш мумкин. Зеро Ватан, халқ ҳаёти шу замин фуқаролари турмуш-турмушининг жамулкамидир. Шу маънода, ёш мустақил давлатимиз Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб, буюк келажак сари дадил одимламоқда. Лекин бу йўл, карвон беҳатар бўлмас деганларидек, текис ва раво эмас. Винобарин, у сарбондан тийрақ нигоҳ, зийракликни талаб этади. Зотан, Юртбошимиз бутун фаолияти давомида ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда ана шу тийрақлик ва зийракликни намойён этиб келаётган.

Италия Президенти Оскар Скальфаронинг Ўзбекистонга ташрифи якунларига бағишланган матбуот конференциясини кузатар эканман, ҳаёлимдан ана шу туйғулар кечди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий давлатчилик қайта тикланди. Иқтисодий тубдан ислоҳ этишга, жамиятни демократийлаштиришга киришилди.

Буни АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Бельгия, Франция каби дунёнинг мутараққий мамлакатлари билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқаларимиз, уларнинг дастлабки натижалари яққол кўрсатиб турибди. Аниқса, энг оғир йилларда ҳам ҳеч кимга садафа сўраб қўл чўзмаганимиз, давлатимиз раҳбари сиймосида бир қанча тинчлик ташаббуслари билан чиққанимиз, хорижий давлатлар билан ижобий савдо қолдигига эга бўлиб келаётганимиз, шаҳару қишлоқларимиз, аниқса, пойтахтимиз Тошкент қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгараётгани юртимиз нуфузига нуфуз қўшади.

Буларни Италия Президенти

О. Скальфаро ҳам эътироф этди. Унга ислохотлар йўлида халқимиз кўрсатаётган қатъият, Афғонистонга қурол-яроғ олиб киришни қатъиян таъқиқлаш, Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудуд, деб эълон қилиш, наркобизнесга қарши ҳамкорликда курашни борасидаги Ислоҳ Каримовнинг таклифлари, аниқса, мақбул бўлиб, биз бу йўлда Ўзбекистонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, — деб таъкидлади Италия Президенти.

Матбуот конференциясида италиялик журналист Президент Ислоҳ Каримовга савол бериб, Ўзбекистон — Россия муносабатлари, шунингдек, Россия — Белоруссия ўртасида тузилган иттифоқ хусусидаги фикрларини сўради.

Аввало, Россия билан ҳамкорлик алоқаларимиз тенг ҳуқуқлилик тамойиллари асосида ривожланмоқда, деди Ислоҳ Каримов. Биз бу — тенг шериклик йўлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Россия ҳам Ўзбекистонни ўзининг тенг ҳуқуқли ишончли шериги сифатида билишини истаймиз. Россияда бундай соғлом кучлар қўллиги бизни қувонтиради. Чунки Россия билан иқтисодий, ҳўжалик алоқаларимиз узоқ тарихга эга.

Лекин, шунинг ҳам унутмаслик керакин, Ўзбекистон аввало ҳор Россияси, кейинчалик шўро давлати учун доимо хомашё базаси бўлиб келган. Пахта, олтин каби бойликларимиз арзонгаровга олиб чиқиб кетилган. Мен, ҳатто молия вазири бўла туриб, қанча олтин ишлаб чиқарилади-ю қанча олтин олиб чиқиб кетилишини билмас эдим. Афсуски, ҳозир ҳам Россиядаги коммунистик, «ўта ватанпарвар» оқимлар орасида ана шу даврни қўмсовчилар бор. Улар собиқ иттифоқни тиклаш шiori остида асли ана ўша мавқега эришмоқни истайдилар.

Россия — Белоруссия иттифоқига келсак, аввало икки айтиш керакин, бу ўша икки давлат — Россия билан Белоруссиянинг икки иши. Бироқ менинг фикримни сўраган экансиз, шунинг айтмоқчиманки, бу икки мамлакат ўртасида улар айтаётган тенглик ҳеч қачон бўл-

майди. Мен буни бутун масъулиятни зиммамга олган ҳолда айтман. Белоруссия маълум маънода ўз суверенитетидан воз кечишга мажбур бўлади. Ўзингиз ўйланг, ягона банк бўлса, ягона пул бирлиги жорий этилса ва улар Москвада бўлса қандай қилиб мустақиллик ҳақида сўз бўлиши мумкин?

Мазкур иттифоқни тузишдан асосий мақсад эса геополитик маконни вужудга келтириш, иложи бўлса, унга ён атрофдаги бошқа давлатларни ҳам қўшиб, собиқ иттифоқ ҳудудида ўз таъсирини кучайтиришдан иборатдир. Биз эса, боя таъкидлаганимдек, барча давлатлар билан тенг шериклик асосидаги муносабатлар тарафдоримиз, деб жавоб қайтарди Ўзбекистон раҳбари.

Бир неча йилдирки, собиқ иттифоқни қайсидир шаклда тиклаш ҳақидаги фикр гоҳ айрим давлат раҳбарлари, гоҳ «буюк давлат»чилик касалига мубтало бўлган баъзи фирқа «дохий»лари тилидан эшитилиб турибди. Бейхитёр бунинг сабаби нимада, деган савол туғилади.

Бизнингча, бу шiori ўртага ташлаётганлар Президентимиз айтганларидек, аввало, ўша «олтин давр»ни эслаб тамшанаётганлардир.

Мазкур шiori айрим мустақил давлатлар раҳбарлари томонидан олга сурилаётганига келсак, мустақиллик бу аввало улкан масъулиятдир, деган ҳақиқат бор. Бунинг маъноси шунки, мустақил бўлдингми, ўз аравангини ўзинг тортишинг керак. Ана шу — етакчилик масъулиятини, қолаверса, елкасидаги рўзгор ташвишини кўтаролмай қолганлар, таъминотни марказдан «фонд»лар бўйича олиб ўрганганлар вазиятдан чиқиш йўлини собиқ СССРни тиклашда кўраётган бўлсалар, ажаб эмас.

Яна бир тоифа борки, улар мустақиллик туфайли рўй берган ўзгаришлар, демократик «сараланиш»лар натижасида отдан тушса ҳам эгардан тушмаган кимсалардир. Улар, таассуфки, ўз бахтсизликларини халқлари эришган мустақилликда, келажакларини эса — СССРни тиклашда деб билмоқдалар. Булар ораси-

да минтақамиз халқларининг айрим собиқ «валломат»лари ҳам борки, улар Москва кўчаларида изғиб, ўзларига «ҳамфикр»лар изламоқдалар.

Одатда, ҳар қандай ҳаракатнинг мазмун-моҳияти бўлади. Шу маънода собиқ иттифоқни тиклаш тарафдорларининг пинҳона мақсадлари бизга аён. Лекин улар асл ниятларини «интеграция» деган жозибадор сўз билан ниқобламоқдаларки, бу ҳақда ҳам бироз тўхталишга тўғри келади.

Интеграция — иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш, оқилона меҳнат тақсимотини йўлга қўйиш, бир хил маҳсулотни бир неча мамлакатда ишлаб чиқармаслик, балки ўзаро айирбошлаш каби жиҳатларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари ўртасида барпо этилган ягона иқтисодий макон, қолаверса, мамлакатимизнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи республикалар, хорижий давлатлар билан тузган қўшма корхоналари, ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолияти бунга мисол бўла олади. Демак, интеграцияни чуқурлаштириш учун мустақил давлатларни бир чодир остига бирлаштириш шарт эмас. Уни маърифий йўл билан, ҳеч кимнинг суверенитетига даҳл қилмаган ҳолда йўлга қўйиш мумкин. Бунга дунёда мисоллар кўп. Лоақал Европа Иттифоқи фаолиятини эслайлик.

Мухтасар айтадиган бўлсак, ҳар бир ёш мустақил давлатнинг оёққа туриб олиши, дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши енгил кечмайди. Лекин, ўтиш даври мураккабликларини қадам-бақадам енгиб, сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаб, бу майдондан мағрур ва ғолибона чиқиш — ёруғ кела жакка эришиш ҳар бир халқ учун гоёт шарафлидир.

Бўлиб ўтган матбуот конференцияси, унда Президент Ислоҳ Каримов жавобларидаги қатъият Ўзбекистон халқининг бу йўлда собитқадамлигини яна бир карра исботлади.

Аҳмад ХУҲА (ЎЗА).



ТБИЛСИ. Европа кенгаши парламент ассамблеяси раиси Лени Фишер Грузияга келди.

Грузия Республикаси парламенти раиси Зураб Жвания Л. Фишер билан учрашуви чоғида Европа тузилмалари билан интеграциялашув Тбилиси ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан эканини айтди. Шунингдек, у Грузия Евроинтеграция йўлида изчил ҳаракат қилиш билан бирга, бу борада минтақадаги бошқа мамлакатларга ўрнатилган ҳам бўлиши мумкин, деб таъкидлади.

МЕХИКО. АҚШ Президенти Билл Клинтон давлат ташрифи билан Мексикага келди. Бу унинг Оқ уй раҳбари сифатида Мексикага ilk ташрифидир. Қолаверса, кейинги 18 йил давомида АҚШ раҳбарларидан ҳеч ким мазкур қўшни давлатга сафар қилмаган.

Сафар давомида Б. Клинтон Мексика Президенти Эрнесто Седильо билан учрашиб, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар иетиқболлари, миграция, шунингдек, гўёҳандлик моддалари савдо-сотигига қарши кураш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилади. Музокаралар чоғида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида 10 та битим имзоланиши мўлжалланмоқда.

АБУ-ДАБИ. Қуддуснинг араблар ихтиёридаги қисмида яхудиелар учун янги турар-жойлар қурилиши Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнига салбий таъсир кўрсатади, деб баёнот берди Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд ибн Абдулазиз Жиддада бўлиб ўтган ҳукумат йиғилишида.

Шунингдек, жаноб Фаҳд ибн Абдулазиз Фаластин ҳамда унинг пойтахти Қуддус бутунлай мустақил бўлганига қадар биз фаластиликларни қўллаб-қувватлаймиз, деди. Унинг таъкидлашича, ер эвазига тинчлик тамойили ҳамда БМТ резолюциялари Яқин Шарқ муаммосини ҳал қилишда муҳим омил бўла олади.

ВАШИНГТОН. Америка Қўшма Штатлари Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) раҳбарияти ва хусусан, Президент Нелсон Манделанинг Зоирдаги можароларни бартараф этиш йўлидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди, деб баёнот берди АҚШ давлат департаменти вакили Жон Дингер.

Шунингдек, у АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Билл Ричардсоннинг мазкур ҳудудга сафари ҳам ЖАР ташаббусини қўллаб-қувватлаш, Зоирдаги вазаро ихтилофчи гуруҳларни муросага чақириш мақсадида бўлганини айтди.

АБУ-ДАБИ. Иордания Бош вазири Абдусалом Ал-Мажалий Қатарга расмий ташрифи чоғида Тел-Авив ҳукуматидан Исроил билан араблар ўртасида имзоланган битимларни бажаришни талаб қилди ҳамда АҚШ раҳбариятини Тел-Авивга кўмак бермасликка даъват қилди.

Шунингдек, Абдусалом Ал-Мажалий Иордания ҳукумати араб мамлакатлари билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш йўлидаги барча йиғинларга тайёр эканини айтди.

(ЎЗА).

ДЛЯ АВТОМОБИЛЕЙ «УЗДЭУАВТО»

При Андиканском машиностроительном заводе создано новое совместное Узбекско-Южнокорейское предприятие «Уз-Сэмонг Ко». На нем будут производиться топливные баки и крупноштамповочные детали для автомобилей «Тико», «Нексия» и микроавтобусов «Дамас», выпускаемых асакинскими автомобилестроителями.

Учредителями этого СП стали узбекская республиканская ассоциация «Узавторпром» и южнокорейская компания «Сэмонг Компани Индастриз ЛТД». Новое совместное предприятие будет выпускать в год до 200 тысяч топливных баков и 720 тысяч штамповочных частей. Это позволит трудоустроить более 200 человек, многие из них смогут пройти учебу на предприятиях и в учебных центрах Южной Кореи.

К. НИЗАМОВ, корр. УЗА.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 6 майдан бошлаб ҳисоб ва боғжона тўловлари учун хорижий валюталарининг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	46,87
1 Австрия шиллинги	4,03
1 Англия фунт стерлинги	97,15
10 Бельгия франки	16,81
1 Голландия гульдени	30,84
10 Греция драхмаси	2,18
1 Дания кронаси	9,11
1 БАА дирхами	16,32
1 АҚШ доллари	59,93
1 Миср фунти	17,68
1 Ирландия фунти	89,49
1 Исландия кронаси	0,84
10 Испания песети	4,11
100 Италия лираси	3,50
1 Канада доллари	43,45
1 Хитой юани	7,22

1 Қувайт динори	196,91
100 Ливан фунти	3,89
1 Малайзия ринггити	23,90
1 Германия маркаси	34,68
1 Норвегия кронаси	8,43
1 Польша злотийси	18,96
10 Португалия эскудоси	3,46
1 Сингапур доллари	41,47
1000 Туркия лираси	0,44
1 Финляндия маркаси	11,51
1 Франция франки	10,28
1 Швеция кронаси	7,65
1 Швейцария франки	40,74
1 ЭКЮ	67,63
10 Жанубий Корея вони	0,67
10 Япония ненаси	4,73
1000 Россия рубли	10,40
1 Украина гривнаси	32,55
1000 Беларусь рубли	2,25
1 Эстония кронаси	4,73
1 Латвия лати	102,62
1 Литва лити	14,98
1 Қозоғистон тенгеси	0,79
1 Қирғизистон соми	3,35

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ПОНЕДЕЛЬНИК

12 МАЯ

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 «Фарғана»
8.30 «Узоқтедфильм»
представител: «Туркистон мусавирлар маскани»
9.00 Национальная борьба. Международный турнир. 9.20 Э. Бахидов. «Дошиш кишлок латифалари».
10.00 Новости.
10.05 «Замин фидойилари». Тележурнал.
10.25 «Дрессировщики». Короткометражные тел. худ. фильм.
11.05 «Школа — наша гордость».
11.45 «Мавзуга кайтиб».
12.05 Ш. Ёшобоев. «Такдир эгини». Спектакль Уз. оекаского государственного академического театра драмы им. Халыпа.
14.00 Новости.
14.00 Новости.
18.00 Новости.
18.10 «Эриктош».
18.25 «Хазрати писон».
18.45 К 2500-летию Хивы. «Меҳр макони». Передача 1-я.
19.05 Новости «Большой перемены».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.55 Вести с бирж и из банков.
20.15 Вечерняя сказка.
20.30 «Ахборот».
21.00 На пути к великому будущему.
21.20 «Дилнаво садолар».
21.45 «В этот вечер...»
22.10 «Вакт». Публицистическая передача.
22.30 «Морена Клара».
23.30 «Ахборот».
23.55 Вечерние мелодии.
УзТВ II
18.00 Дневник.
18.15 «Ериктош».
18.35 Спортконтинент.
18.45 «Мир сверхъестественного».
19.00 «Мак и Матли».
19.20 «Стиль».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.55 «Мошеники из бара «Офисно».
20.30 «Ахборот».
20.55 Музыка и реклама.
21.15 Кинооко.
22.15 Дневник.
22.25 «Лучшее время».
22.35 Спортконтинент.
23.15 «Санта-Барбара».
00.05 Дневник.
УзТВ III
17.15 Новости.
ОРТ
17.20—20.40 «Кругозор». Тележурнал.
РОССИЙСКОЕ ГОСУДАРСТВЕННОЕ ТЕЛЕВИДЕНИЕ
21.00—21.30 «Модальный партнер». Худ. фильм (Франция).
23.30 Новости.
УзТВ IV
17.10 Турецкое телевидение.
18.50 Мультикарusel.
19.10 «Школа разбитых сердец».
19.35 «Умид».
20.00 «Жахон».
20.30 «Душанба». Публ.цистичская передача.
20.30 «Авторейд».
20.40 «Тасвир».
20.45 «Музыкальная пауза». Л. Агунин.
21.00 «Ракурс». Навстречу XII Ташкентскому международному кинофестивалю.
21.30 Спорт-тайм.
22.05 «Кинематограф». «Ночная жара».
22.55 «Хайри тун!» — «Спокойной ночи!»
на казахском и русском языках:
6.00 Ташполдан (каз., рус.).
7.05 Мультифильм.
7.20 Кумсагат.
16.00 «Земля спасет». Режиссер Юрий Дубровин.
16.30 «Забавные приключения Элиса».
17.00 Хит-парад.
17.10 Гутен абенд!
18.00 Путевые заметки.
18.25 Думирьер.
18.45 Сапа (каз.).
19.00 «Даллас».
19.50 Кумсагат.
20.00 Акшам (каз., рус.).
20.40 Концерт ансамбля «Гульдер».

ВТОРНИК

13 МАЯ

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.25 Обзор республиканских газет.
8.35 «Той бола». Фильм-концерт.
8.55 Вести с бирж и из банков.
9.15 «Морена Клара».
10.00 Новости.
10.05 «Бугуннинг уйлари». Публицистическая передача.
Учебная программа:
10.30 Литература.
11.00 Английский язык.
11.30 «Узбектедфильм» представляет: «Муслина бустон».
12.00 Для детей. «Шукрона».
12.15 А. П. Чехов. «Поздняя любовь».
12.35 «Земля, на которой я родился».
12.55 «Новые сказки Шахеризады». Худ. фильм. 1-я серия.
14.00 Новости.
14.05 «Новые сказки Шахеризады». Худ. фильм. 2-я серия.
18.00 Новости.
18.10 «Тест синовалари — адолат мезони».
18.30 «Оталар сузи — ақлининг кузи».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.55 «Мавнавият». «Оханглардан таралган меҳр».
20.15 Вечерняя сказка.
20.30 «Ахборот».
21.00 На пути к великому будущему. «Четвертая власть».
21.20 Мелодии Востока.
21.40 «Альманах-ТВ».
22.00 Навстречу XII Ташкентскому международному кинофестивалю. «Темир хонин». Худ. фильм. 1-я серия.
23.05 «Балкон». «Восход». Мультифильм для взрослых.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Франция-98.
00.40 Вечерние мелодии.
УзТВ II
18.00 Дневник.
18.15 «Ериктош».
18.45 «ТВ плюс...»
19.00 «Олтин кент» («Золотой город»).
19.10 Музыкальное обозрение.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.55 «Мошеники из бара «Офисно».
20.30 «Ахборот».
20.55 Музыка и реклама.
21.10 Кинооко.
22.40 Дневник.
23.20 «Деловая неделя».
23.35 «Зеркало».
23.55 ТВ плюс...
00.10 Дневник.
УзТВ III
17.15 Новости.
ОРТ
6.30—8.00 «Доброе утро».
17.20—20.40 «Кругозор». Тележурнал.
РОССИЙСКОЕ ГОСУДАРСТВЕННОЕ ТЕЛЕВИДЕНИЕ
21.00—21.30 «Сделка». Худ. фильм. 1-я серия (Индия).
22.50 «Узбектедфильм» представляет: «Баходир».
23.20 Новости.
УзТВ IV
17.10 Турецкое телевидение.
18.50 Мультикарusel.
19.10 «Санта-Барбара».
20.00 «О тебе и для тебя».
20.15 «Открытый урок».
20.45 «Они в Америке».
21.15 «Уроки про налоги».
21.30 «Таланты и поклонники».
22.05 «Ночная жара».
22.55 «Дударшан».
23.25 «Немецкая волна» на IV.
23.45 «Хайри тун!» — «Спокойной ночи!»
на казахском и русском языках:
6.00 Ташполдан (каз., рус.).
7.05 Мультифильм.
7.20 Кумсагат.
16.00 «Земля спасет». Режиссер Юрий Дубровин.
16.30 «Забавные приключения Элиса».
17.00 Хит-парад.
17.10 Гутен абенд!
18.00 Путевые заметки.
18.25 Думирьер.
18.45 Сапа (каз.).
19.00 «Даллас».
19.50 Кумсагат.
20.00 Акшам (каз., рус.).
20.40 Концерт ансамбля «Гульдер».

СРЕДА

14 МАЯ

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.25 «Мавнавият». «Оханглардан таралган меҳр».
8.45 «Альманах-ТВ».
9.05 «Компьютер сабоклари».
9.30 «Фермер». Тележурнал.
10.00 Новости.
10.05 «Верните природу».
Учебная программа:
10.30 Зоология.
11.00 Изучаем новый алфавит.
11.30 Мелодии Востока.
11.50 «Тиббиет XXI асрда».
12.10 Худ. фильм.
13.40 «Эгуликка бугрилган умр».
14.00 Новости.
14.05 «Оталар сузи — ақлининг кузи».
18.00 Новости.
18.10 «Бу ёрғут оламда Ватан биттадур».
18.15 «Мавнавият». Музыка и современность.
18.35 «Ботма, куйи!».
18.55 «Сихат-саломатлик» («Здоровье»).
19.15 Общественное телевидение Кашкадарьи представляет: «Хазрати писон».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.55 «Лицом к лицу».
20.15 Вечерняя сказка.
20.30 «Ахборот».
21.00 На пути к великому будущему. «На перекрестках экономики».
21.20 «Дилнаво садолар».
21.45 «Вухорин шариф». Передача 2-я.
22.10 «15 минут о спорте».
22.25 «Автомир».
22.40 «Морена Клара».
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Чемпионат Узбекистана. «Дустлик» (Таш. область) — «Навбахор» (Наманган).
00.40 Вечерние мелодии.
УзТВ II
18.00 Дневник.
18.15 «Ериктош».
18.40 Спортконтинент.
18.50 «Доиче Велле» представляет.
19.10 «Культурход».
19.20 Муз. дорожка.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.55 «Мошеники из бара «Офисно».
20.30 «Ахборот».
20.55 Музыка и реклама.
21.10 Кинооко.
22.50 Дневник.
23.00 «Культурход».
23.10 Спортконтинент.
23.30 «Санта-Барбара».
00.20 Дневник.
УзТВ III
17.15 Новости.
ОРТ
6.30—8.00 «Доброе утро».
17.20—20.40 «Кругозор». Тележурнал.
РОССИЙСКОЕ ГОСУДАРСТВЕННОЕ ТЕЛЕВИДЕНИЕ
21.00—21.30 «Сделка». Худ. фильм. 2-я серия.
22.40 «Дарю песню». Фильм-концерт.
23.10 Новости.
УзТВ IV
17.10 Турецкое телевидение.
18.50 Мультикарusel.
19.10 «Санта-Барбара».
19.05 «Школа разбитых сердец».
19.30 «Мезон».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Такой разнообразный мир».
20.30 «Томкентнома».
21.00 «Автосалатан».
21.10 «Шахрим — фахрим».
21.40 «Хузур ва бурч».
22.10 «Ночная жара».
22.00 Экстремальные игры.
23.50 «Хайри тун!» — «Спокойной ночи!»
на казахском и русском языках:
6.00 Ташполдан (каз., рус.).
7.05 Мультифильм.
7.20 Кумсагат.
16.00 «Земля спасет». Режиссер Юрий Дубровин.
16.30 «Забавные приключения Элиса».
17.00 Хит-парад.
17.10 Гутен абенд!
18.00 Путевые заметки.
18.25 Думирьер.
18.45 Сапа (каз.).
19.00 «Даллас».
19.50 Кумсагат.
20.00 Акшам (каз., рус.).
20.40 Концерт ансамбля «Гульдер».

ЧЕТВЕРГ

15 МАЯ

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.25 Обзор республиканских газет.
8.35 «Узбектедфильм» представляет: «Бахтиёр Холхужаев».
8.55 «На перекрестках экономики».
9.15 «Морена Клара».
10.00 Новости.
10.05 «В кругу веселья».
Учебная программа:
10.30 Ботаника.
11.00 Мавина школа.
11.30 Общая биология.
12.00 «Меҳр».
12.25 «Женитба». Худ. фильм.
14.00 Новости.
14.05 «Соғломжон — пол. виллои».
18.00 Новости.
18.10 «Раскажи о Японии». Тонкий молодой завод.
18.25 «Дилнаво садолар».
18.30 «Указ и его исполнение».
18.50 «Большая перемена».
19.15 «Хозяйка на заметку».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.55 «Лицом к лицу».
20.15 Вечерняя сказка.
20.30 «Ахборот».
21.00 На пути к великому будущему. «Золотое наследие». Классические мелодии.
21.40 «Нимон».
22.00 «Мутуйба».
22.20 Навстречу XII Ташкентскому международному кинофестивалю. «Темир хонин». Худ. фильм. 2-я серия.
23.30 «Ахборот».
23.55 Вечерние мелодии.
УзТВ II
9.00 «Ериктош».
9.20 Спортконтинент.
9.30 «Мир сверхъестественного».
9.45 «Мак и Матли».
10.05 «Стиль».
10.10 «Лучшее время».
10.20 «Олтин кент» («Золотой город»).
10.30 Музыкальное обозрение.
10.45 «Деловая неделя».
11.00 Зеркало.
11.20 «ТВ плюс...»
11.35 «Культурход».
11.45 «Приватизация: шаг за шагом».
12.05 Кинооко.
18.00 Дневник.
18.10 «Бугун пайшанба дастурда».
18.20 «Ериктош».
18.35 «Природа подводного мира».
19.20 Музыкальная дорожка.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.55 «Стать ближе».
20.30 «Ахборот».
20.55 «Сехтра».
21.15 Кинооко.
23.05 Дневник.
23.15 «Приватизация: шаг за шагом».
23.35 Спортконтинент.
24.00 Дневник.
УзТВ III
17.15 Новости.
ОРТ
6.30—8.00 «Доброе утро».
17.20—20.40 «Кругозор». Тележурнал.
РОССИЙСКОЕ ГОСУДАРСТВЕННОЕ ТЕЛЕВИДЕНИЕ
21.00—21.30 «Сделка». Худ. фильм. (США).
23.20 Новости.
УзТВ IV
17.10 Турецкое телевидение.
18.50 Мультикарusel.
19.10 «Санта-Барбара».
19.05 «Школа разбитых сердец».
19.30 «Мезон».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Такой разнообразный мир».
20.30 «Томкентнома».
21.00 «Автосалатан».
21.10 «Шахрим — фахрим».
21.40 «Хузур ва бурч».
22.10 «Ночная жара».
22.00 Экстремальные игры.
23.50 «Хайри тун!» — «Спокойной ночи!»
на казахском и русском языках:
6.00 Ташполдан (каз., рус.).
7.05 Мультифильм.
7.30 Кумсагат.
16.00 «Земля спасет». Режиссер Юрий Дубровин.
16.30 «Забавные приключения Элиса».
17.00 Хит-парад.
17.10 Гутен абенд!
18.00 Путевые заметки.
18.25 Думирьер.
18.45 Сапа (каз.).
19.00 «Даллас».
19.50 Кумсагат.
20.00 Акшам (каз., рус.).
20.40 Концерт ансамбля «Гульдер».

ПЯТНИЦА

16 МАЯ

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.25 «Ракс сохибон». Фильм-концерт.
9.00 «Лицом к лицу».
9.20 «Большая перемена».
9.45 «Жила была пчелка». Мультифильм.
10.00 Новости.
10.05 «Хузук сабоклари».
10.05 «Учебная программа».
10.30 Изобразительное искусство.
11.00 «Кирк хунар хам оз...»
11.30 Немецкий язык.
12.00 «Уйла! Назла! Топ!».
12.45 «Поезд вне расписания». Худ. фильм.
14.00 Новости.
14.05 «Маърифат маскани». Ташкентский колледж связи.
18.00 Новости.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.25 «Нима учми?».
18.35 «Дизайн».
18.50 Зантра суббота.
19.10 Бизнес. Итоги недели.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.55 «Умиди дунё».
20.15 Вечерняя сказка.
21.00 «Икисдо арифбон».
21.30 «Ривоят».
21.40 «Дилнаво садолар».
22.05 Хина-2500. «Тарихиндур би жахон». Публицистическая передача.
22.25 «Морена Клара».
23.10 «Хуз келибиз».
23.30 «Ахборот».
23.55 «Новости мирового спорта».
00.05 Вечерние мелодии.
УзТВ II
9.00 «Ериктош».
9.20 Спортконтинент.
9.30 «Мир сверхъестественного».
9.45 «Мак и Матли».
10.05 «Стиль».
10.10 «Лучшее время».
10.20 «Олтин кент» («Золотой город»).
10.30 Музыкальное обозрение.
10.45 «Деловая неделя».
11.00 Зеркало.
11.20 «ТВ плюс...»
11.35 «Культурход».
11.45 «Приватизация: шаг за шагом».
12.05 Кинооко.
18.00 Дневник.
18.10 «Бугун пайшанба дастурда».
18.20 «Ериктош».
18.35 «Природа подводного мира».
19.20 Музыкальная дорожка.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.55 «Стать ближе».
20.30 «Ахборот».
20.55 «Сехтра».
21.15 Кинооко.
23.05 Дневник.
23.15 «Приватизация: шаг за шагом».
23.35 Спортконтинент.
24.00 Дневник.
УзТВ III
17.15 Новости.
ОРТ
6.30—8.00 «Доброе утро».
17.20—20.40 «Кругозор». Тележурнал.
РОССИЙСКОЕ ГОСУДАРСТВЕННОЕ ТЕЛЕВИДЕНИЕ
21.00—21.30 «Сделка». Худ. фильм. (США).
23.20 Новости.
УзТВ IV
17.10 Турецкое телевидение.
18.50 Мультикарusel.
19.10 «Санта-Барбара».
19.05 «Школа разбитых сердец».
19.30 «Мезон».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Такой разнообразный мир».
20.30 «Томкентнома».
21.00 «Автосалатан».
21.10 «Шахрим — фахрим».
21.40 «Хузур ва бурч».
22.10 «Ночная жара».
22.00 Экстремальные игры.
23.50 «Хайри тун!» — «Спокойной ночи!»
на казахском и русском языках:
6.00 Ташполдан (каз., рус.).
7.05 Мультифильм.
7.30 Кумсагат.
16.00 «Земля спасет». Режиссер Юрий Дубровин.
16.30 «Забавные приключения Элиса».
17.00 Хит-парад.
17.10 Гутен абенд!
18.00 Путевые заметки.
18.25 Думирьер.
18.45 Сапа (каз.).
19.00 «Даллас».
19.50 Кумсагат.
20.00 Акшам (каз., рус.).
20.40 Концерт ансамбля «Гульдер».

СРЕДА

17 МАЯ

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.25 Обзор республиканских газет.
8.35 Мультифильм.
8.45 «Даллас».
8.55 «Общая ставка». Худ. фильм (каз.).
УзТВ II
9.00 «Ериктош».
9.20 Спортконтинент.
9.30 «Мир сверхъестественного».
9.45 «Мак и Матли».
10.05 «Стиль».
10.10 «Лучшее время».
10.20 «Олтин кент» («Золотой город»).
10.30 Музыкальное обозрение.
10.45 «Деловая неделя».
11.00 Зеркало.
11.20 «ТВ плюс...»
11.35 «Культурход».
11.45 «Приватизация: шаг за шагом».
12.05 Кинооко.
18.00 Дневник.
18.10 «Бугун пайшанба дастурда».
18.20 «Ериктош».
18.35 «Природа подводного мира».
19.20 Музыкальная дорожка.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.55 «Стать ближе».
20.30 «Ахборот».
20.55 «Сехтра».
21.15 Кинооко.
23.05 Дневник.
23.15 «Приватизация: шаг за шагом».
23.35 Спортконтинент.
24.00 Дневник.
УзТВ III
17.15 Новости.
ОРТ
6.30—8.00 «Доброе утро».
17.20—20.40 «Кругозор». Тележурнал.
РОССИЙСКОЕ ГОСУДАРСТВЕННОЕ ТЕЛЕВИДЕНИЕ
21.00—21.30 «Сделка». Худ. фильм. (США).
23.20 Новости.
